

ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАСИДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жасур Бахтиярович Мажидов

ЖДПУ, Умумий психология кафедраси катта ўқитувчиси, психология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада профессионал футбол жамоаларидаги ўзаро муносабатларнинг шахс шаклланишига таъсири масалалари ўрин олган. Шунингдек, учта футбол жамоасидаги ўзаро муносабатлар кечиши шахслараро муносабатларни ташхислашнинг Т.Лири-Собчик усулида ўрганилиб қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: кичик гуруҳ, профессионал футбол жамоалари, ўзаро муносабатлар, жамоавий фаолият, ўз-ўзини англаш, “Реал мен”, “Идеал мен”

Кириш. Футбол миллионлар ўйини сифатида ҳамминг дилидан жой олган оммавий спорт тури ҳисобланади. Мазкур спорт турида шахснинг мувофақияти жамоа мувофақияти билан боғлиқ тарзда кечиб, спортчининг нафақат индивидуал шаклланишига, балки жамоа шароитида гуруҳ доирасида ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириб, ўз-ўзини англаб, шунингдек фаолият негизида ўз қобилиятларини намоён этиш асосида шахс шаклланишининг муҳим босқичини таъминлашга хизмат қилади.

Жамоавий ўйин сифатида футбол нафақат шахснинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари такомиллашувига, балки индивидуал қобилиятларнинг ривожланишига, иродавий сифатларнинг таркиб топишига, жамоа аъзолари билан муносабатлари асосида муҳим ижтимоий тажрибаларни эгаллашида, ижтимоий онг тараққий этишида, бошқалар олдида масъулият ҳиссини таркиб топишига, бир сўз билан айтганда шахс шаклланиши ва таркиб топишида муҳим рол ўйнайди.

Спорт психологиясида спорт жамоаларида кечадиган ўзаро муносабатларини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотлар анча жонланиб бормоқда. Бу борадаги сўнги тадқиқотларда кичик гуруҳ сифатида спорт жамоаларидаги жиқлик, жамоадаги психологик иқлим, гуруҳий ўзаро таъсир, гуруҳий ижтимоий перцепция, гуруҳий коммуникация, спортчиларнинг тайёргарлиги ва айниқса тренер ва спортчи муносабатлари борасидаги тадқиқотлар диққатга сазовордир. Лекин шу билан бирга

профессионал футбол жамоаларида ўзаро муносабатлар муаммоси кам ўрганилган мавзулардан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Биз тадқиқотимиз доирасида профессионал футбол жамоаларида ўзаро муносабатларнинг психологик хусусиятини ўрганиш жараёнида шахслараро муносабатларни ташхисининг (Т.Лири-Собчик) модификациялаштирилган вариантдан фойдаланиб маълум бир натижалар олдик. Бизга маълумки, ушбу методика ўсмирлар ва ўспиринларда ўз-ўзини баҳолаш тизимидаги номувофиқликни ва унинг ҳарактерини аниқлашга катта имконият беради ҳамда шахслараро муносабатларда иштирок этаётган субъектнинг реал «Мен» ва идеал «Мен» асосида ташхислаш имконини беради. Тадқиқотда профессионал футбол жамоаларидан Зомин (25 нафар), Жиззахнинг Сўғдиёна (24 нафар), Қаршининг Насаф (17 нафар) жамоаларидан жами 66 нафар спортчилар қатнашишди. Спортчиларнинг ёши 17-27-ёшни ташкил қилди.

1- жадвал

Т.Лири-Собчик сўровномасининг футбол жамоаларидаги натижалари

| Октянт | Футбол жамоаси | N | Ўртача қиймат | Стандарт оғиш | Минимал | Максимал |
|--------------------------|----------------|----|---------------|---------------|---------|----------|
| Хукмрон-лидер | Зомин | 25 | 8,5600 | 3,13688 | 3,00 | 15,00 |
| | Сўғдиёна | 24 | 9,3750 | 3,07603 | 4,00 | 15,00 |
| | Насаф | 17 | 10,2941 | 3,53137 | 3,00 | 15,00 |
| Мустақил – устуворлик | Зомин | 25 | 7,0800 | 1,93477 | 3,00 | 11,00 |
| | Сўғдиёна | 24 | 7,2083 | 1,38247 | 4,00 | 10,00 |
| | Насаф | 17 | 7,4118 | 1,62245 | 5,00 | 11,00 |
| Тўғри – тажовузкор | Зомин | 25 | 7,2800 | 2,20832 | 3,00 | 11,00 |
| | Сўғдиёна | 24 | 7,0833 | 2,06243 | 2,00 | 10,00 |
| | Насаф | 17 | 7,2353 | 2,75067 | 4,00 | 14,00 |
| Ишончсизлик – скептиклик | Зомин | 25 | 6,0800 | 3,41467 | 1,00 | 13,00 |
| | Сўғдиёна | 24 | 5,2083 | 3,10650 | 1,00 | 10,00 |
| | Насаф | 17 | 5,0588 | 2,98895 | 1,00 | 11,00 |
| Итоаткор – тортинчоклик | Зомин | 25 | 8,3200 | 3,53223 | 2,00 | 14,00 |
| | Сўғдиёна | 24 | 8,0000 | 3,03602 | 3,00 | 13,00 |
| | Насаф | 17 | 7,4706 | 2,67202 | 3,00 | 12,00 |
| Боғлиқлик – | Зомин | 25 | 8,2400 | 3,11288 | 1,00 | 14,00 |

| | | | | | | |
|-------------------------------|----------|----|---------|---------|------|-------|
| бўйсунувчанлик | Сўғдиёна | 24 | 7,5000 | 3,00724 | 2,00 | 13,00 |
| | Насаф | 17 | 7,2941 | 2,28486 | 4,00 | 11,00 |
| Ҳамкорлик – конвенциаллик | Зомин | 25 | 10,6800 | 3,36303 | 1,00 | 16,00 |
| | Сўғдиёна | 24 | 9,5417 | 2,84344 | 4,00 | 16,00 |
| | Насаф | 17 | 10,2941 | 2,86716 | 5,00 | 16,00 |
| Масъулиятли – бағрикенглик | Зомин | 25 | 11,1600 | 3,73809 | 3,00 | 15,00 |
| | Сўғдиёна | 24 | 10,7917 | 3,47637 | 4,00 | 16,00 |
| | Насаф | 17 | 10,5882 | 4,00092 | 4,00 | 16,00 |

1-жадвалда келтирилган маълумотларни янада аниқроқ таҳлил қилиш учун жамоалар кесимида алоҳида-алоҳида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Хукмрон-лидерлик октанти бўйича Зомин футбол жамоасида минимал балл 3 бални, максимал балл 15 бални ташкил қилди. Ўртача қиймат 8,56 ни ташкил қилди. Аксарият синалувчилар шахслараро муносабатларда танқидларни қабул қилаолмаслик, ўзини юқори баҳолаш каби шахс сифатларини намоён этмоқда. **Сўғдиёна** футбол жамоасида эса, минимал балл 4 бални, максимал балл 15 бални ташкил қилди. Ўртача қиймат 9,37 ни ташкил қилди. Синалувчилар шахслараро муносабатларда танқидларни қабул қилаолмаслик, ўзини юқори баҳолаш каби шахс сифатларини намоён этмоқда. **Насаф** футбол жамоаси спортчиларида ушбу октанти бўйича минимал балл 3 бални, максимал балл 13 бални ташкил қилди. Ўртача қиймат 10,29 ни ташкил қилди. Мазкур жамоада ҳам аксарият синалувчилар шахслараро муносабатларда танқидларни қабул қилаолмаслик, ўзини юқори баҳолаш каби шахс сифатларини намоён этмоқда. Мазкур шкала бўйича Насаф жамоасида энг юқори кўрсаткич намоён бўлиб, спортчиларда танқидларга нисбатан муросасизлик кўрсатишга мойиллик тенденцияси намоён бўлганлигини кузатишимиз мумкин.

Мустақил – устуворлик шкаласи бўйича Зомин футбол жамоасида минимал балл 3 бални, максимал балл 11 бални, ўртача қиймат эса 7,08 ни ташкил қилди.

Сўғдиёна футбол жамоасида эса, минимал балл 4 бални, максимал балл 10 бални, ўртача қиймат 7,20 ни ташкил қилди.

Насаф футбол жамоаси спортчиларида ушбу октанти бўйича минимал балл 5 бални, максимал балл 11 бални, ўртача қиймат 7,41 ни ташкил қилди. Синалувчилар шахслараро муносабатларнинг ишончли, мустақил, рақобатчилик услубидан фойдаланишар

экан. Демак ҳар учала футбол жамоасида ҳам мазкур октант бўйича кўрсаткичлар бири-бирига яқин кўринишда намоён бўлмоқда.

Тўғри – тажовузкор октант бўйича Зомин футбол жамоасида минимал балл 3 бални, максимал балл 11 бални, ўртача қиймат 7,28 ни ташкил қилди.

Сўғдиёна футбол жамоасида эса, минимал балл 3 бални, максимал балл 11 бални, ўртача қиймат 7,08 ни ташкил қилди.

Насаф футбол жамоаси спортчиларида ушбу октант бўйича минимал балл 4 бални, максимал балл 14 бални, ўртача қиймат эса 7,23 ни ташкил қилди. Шунга кўра синалувчилар шахслараро муносабатларда самимийлик, эркинлик, тўғрилиқ, мақсадга эришиш йўлида қатъийлик сингари сифатларни намоён қилди. Шунга кўра синалувчилар шахслараро муносабатларда самимийлик, эркинлик, тўғрилиқ, мақсадга эришиш йўлида қатъийлик сингари шахс сифатларини намоён қилди.

Ишончсизлик – скептиклик октант бўйича Зомин футбол жамоасида минимал балл 1 бални максимал балл 13 бал, ўртача қиймат 6,08 ни ташкил қилди.

Сўғдиёна футбол жамоасида эса, бўйича минимал балл 1 бални максимал балл 10 бални ташкил қилди. Ўртача қиймат 5,20 ни ташкил қилди.

Насаф футбол жамоаси спортчиларида ушбу октант бўйича, минимал балл 1 бални максимал балл 11 бални ташкил қилди. Ўртача қиймат 5,05 ни ташкил қилди. Синалувчилар реал фикрловчи ва вазиятни баҳолашда ўз қарашларига эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Итоаткор – тортинчоқлик октант бўйича Зомин футбол жамоасида минимал балл 2 бални, максимал балл 14 бални, ўртача қиймат эса 8,32 ни ташкил қилди.

Сўғдиёна футбол жамоасида эса, минимал балл 3 бални, максимал балл 13 бални, ўртача қиймат 8 бални ташкил қилди.

Насаф футбол жамоаси спортчиларида ушбу октант бўйича минимал балл 3 бални, максимал балл 12 бални ташкил қилди. Ўртача қиймат 7,47 ни ташкил қилди. Олинган натижалар таҳлилидан кўришиб турибдики, ҳар учала футбол жамоаларида спортнинг футбол тури жамоавий ўйин бўлганлиги учун спортчиларнинг бошқалар олдида масъулият ҳисси намоён этаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан биргаликда синалувчиларда айбни ўз зиммасига олувчанлик каби хулқ-атворнинг айрим хусусиятларини ҳам намоён бўлмоқда.

Боғлиқлик – бўйсунувчанлик октант бўйича Зомин футбол жамоасида минимал балл 1 бални, максимал балл 14 бални, ўртача қиймат 8,24 ни ташкил қилди.

Сўғдиёна футбол жамоасида эса, минимал балл 2 бални, максимал балл 13 бални, ўртача қиймат 7,50 ни ташкил қилди.

Насаф футбол жамоаси спортчиларида ушбу октант бўйича минимал балл 4 бални, максимал балл 11 бални, ўртача қиймат 7,29 ни ташкил қилди.

Шунга кўра спортчиларда атрофдагиларнинг ёрдами ва ишончига, уларнинг эътиборига эҳтиёж мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Бу хусусият спортнинг футбол тури жамоавий ўйин бўлганлиги ва мувофақият қозониш кўпчилигининг фаолият уйғунлигига боғлиқ ҳолда кечилини таъкидлаш лозим.

Ҳамкорлик – конвенциаллик октант бўйича Зомин футбол жамоасида минимал балл 1 бални, максимал балл 16 бални, ўртача қиймат 10,68 ни ташкил қилди.

Сўғдиёна футбол жамоасида эса, минимал балл 4 бални, максимал балл 16 бални ташкил қилди. Ўртача қиймат 9,54 ни ташкил қилди.

Насаф футбол жамоаси спортчиларида ушбу октант бўйича минимал балл 6 бални, максимал балл 16 бални ташкил қилди. Ўртача қиймат 10,29 бални ташкил қилди.

Синалувчиларда референт гуруҳ билан яқин ҳамкорлик, атрофдагилар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилиш, шахслараро муносабатларда мураскорлик услубидан фойдаланиш устуворлигини кузатишимиз мумкин. Бу ўз навбатида жамоавий ўйин бўлган футболда спортчиларнинг жамоадошлари олдидаги масъулияти, шунингдек эришиладиган натижалар жамоавийликка асосланганлигига оид установакалар мавжудлигини ифодалаган деб изоҳлашимиз мумкин.

Масъулиятли – бағри кенглик октант бўйича Зомин футбол жамоасида минимал балл 3 бални, максимал балл 15 бални, ўртача қиймат эса 11,16 ни ташкил қилди.

Сўғдиёна футбол жамоасида эса, бўйича минимал балл 4 бални, максимал балл 16 бални ташкил қилди. Ўртача қиймат эса 10,79 ни ташкил қилди.

Насаф футбол жамоаси спортчиларида ушбу октант бўйича минимал балл 4 бални, максимал балл 16 бални, Ўртача қиймат эса 10,58 ни ташкил қилди.

Шунга кўра спортчиларда атрофдагиларга ёрдам беришга тайёрлик, масъулият ҳисси ривожланганлиги ва юқори ижтимоий установакаларга эга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда ушбу методиканинг кейинги тўртта октантда дастлабки тўртта октантга нисбатан балларнинг юқорироқ эканлигини кўришимиз мумкин. Бу эса мазкур жамоа спортчиларида конформ тенденциялар шаклланиб боаётганлигидан далолат беради.

Тадқиқотимизда бир омилли дисперсион таҳлил (АНОВА) орқали олинган маълумотларнинг ишончлилигини ҳамда тафовутли жиҳатларини таҳлилинани ҳам амалга оширдик. Шунга биноан “Реал мен” бўйича фарқлар топилмади. Лекин “Идеал мен” бўйича эса сезиларли фарқлар кузатилди. Буни куйидаги 2-жадвалда янада аниқроқ кўришингиз мумкин:

Т.Лири-Собчик сўровномаси дисперсион таҳлили


2- жадвал

| Октантлар | Футбол жамоаси | N | Ўртача қиймат | | Стандарт оғиш | | F | | Ишонч даражаси $p < 0,05$ | |
|----------------------------|----------------|----|---------------|-----------|---------------|-----------|----------|--------------|---------------------------|--------------|
| | | | Реал мен | Идеал Мен | Реал мен | Идеал Мен | Реал мен | Идеал Мен | Реал мен | Идеал Мен |
| Хукмрон-лидер | Зомин | 25 | 8,5600 | 8,0000 | 3,13688 | 3,43996 | 1,477 | 3,238 | ,236 | ,046* |
| | Сўғдиёна | 24 | 9,3750 | 10,4167 | 3,07603 | 3,10563 | | | | |
| | Насаф | 17 | 10,2941 | 8,1765 | 3,53137 | 4,43333 | | | | |
| Мустақил – устуворлик | Зомин | 25 | 7,0800 | 6,1600 | 1,93477 | 2,46103 | ,200 | 1,598 | ,820 | ,210 |
| | Сўғдиёна | 24 | 7,2083 | 7,1250 | 1,38247 | 2,40131 | | | | |
| | Насаф | 17 | 7,4118 | 5,5882 | 1,62245 | 3,69220 | | | | |
| Тўғри – тажовузкор | Зомин | 25 | 7,2800 | 6,8800 | 2,20832 | 2,74348 | ,048 | 2,699 | ,954 | ,075 |
| | Сўғдиёна | 24 | 7,0833 | 7,0833 | 2,06243 | 2,73332 | | | | |
| | Насаф | 17 | 7,2353 | 5,0588 | 2,75067 | 3,50839 | | | | |
| Ишончсизлик – скептиклик | Зомин | 25 | 6,0800 | 5,2800 | 3,41467 | 2,90861 | ,672 | ,687 | ,514 | ,507 |
| | Сўғдиёна | 24 | 5,2083 | 4,1667 | 3,10650 | 3,44733 | | | | |
| | Насаф | 17 | 5,0588 | 4,4118 | 2,98895 | 4,18418 | | | | |
| Итоаткор – тортинчоқлик | Зомин | 25 | 8,3200 | 7,2000 | 3,53223 | 3,55903 | ,368 | 1,929 | ,694 | ,154 |
| | Сўғдиёна | 24 | 8,0000 | 6,4167 | 3,03602 | 4,14851 | | | | |
| | Насаф | 17 | 7,4706 | 4,8824 | 2,67202 | 3,47998 | | | | |
| Боғликлик – бўйсунувчанлик | Зомин | 25 | 8,2400 | 7,4000 | 3,11288 | 2,64575 | ,661 | 3,401 | ,520 | ,040* |
| | Сўғдиёна | 24 | 7,5000 | 6,2083 | 3,00724 | 3,68285 | | | | |
| | Насаф | 17 | 7,2941 | 4,7647 | 2,28486 | 3,28880 | | | | |
| Ҳамкорлик | Зомин | 25 | 10,6800 | 9,3600 | 3,36303 | 4,28058 | ,869 | 1,552 | ,425 | ,220 |

| | | | | | | | | | | |
|------------------------------------|----------|----|---------|---------|---------|---------|------|--------------|------|--------------|
| – конвенциал лик | Сўғдиёна | 24 | 9,5417 | 9,2500 | 2,84344 | 3,24707 | | | | |
| | Насаф | 17 | 10,2941 | 7,3529 | 2,86716 | 4,31482 | | | | |
| Масъулият ли – бағри кенглик | Зомин | 25 | 11,1600 | 9,7600 | 3,73809 | 4,40908 | ,130 | 3,308 | ,878 | ,043* |
| | Сўғдиёна | 24 | 10,7917 | 10,7083 | 3,47637 | 3,83892 | | | | |
| | Насаф | 17 | 10,5882 | 7,2353 | 4,00092 | 4,82868 | | | | |


2-жадвалдан кўришиб турибдики, **Хукмрон-лидер** октангида фарқлар кузатилди. Яъни, Зомин футбол жамоасида ўртача қиймат 8 балл, Сўғдиёна 10,41 балл, Насаф жамоасида эса 8,17 балли ташкил этди. Шунга биноан Сўғдиёна ва Насаф спортчиларида танқидга тоқатсизлик, ўз имкониятларини юқори баҳолашга интилиш мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса спорт жамоасининг ҳам, шу жамоадаги спортчиларнинг ҳам шаклланиб бориш тенденциясини ифодалаб беради. Биламизки, жамоа таъсири остида шахснинг яна бир сифати –ўзига нисбатан танқид ҳисси шаклланади. Спортчида меъёрдаги танқид ҳисси (ўз-ўзига баҳо бериш)ни тарбиялаш керак, йўқса ортиқча танқид унда ишончсизликни, кам танқид эса- ўзига бино қўйишга олиб келади. Танқиднинг ҳар иккала кўриниши ҳам спортчида салбий эмоционал ҳолатнинг, яъни омадсизликка учраганда фрустрацияга учраш ҳолатига олиб келади. Жамоавий фаолият спортчининг команда олдидаги вазифаларини бажаришда энг яхши жалб бўлишни тарбиялайди. Бир қатор тадқиқотлар кўрсатишича жамоавий мусобақавий мотив кўп ҳолларда, шахсий мотивга нисбатан фаолиятнинг яхшиланувига олиб келади. Баъзида ўзи учун эмас, жамоа учун курашда яхшироқ натижага эришган спортчилар учрайди. Афсуски бу феноменнинг психологик табиати ҳам очиб берилмаган[1].

Хукмрон-лидер октангида фарқларни қуйидаги расмда янада аниқроқ кўришингиз мумкин.




1-расм: Хукмрон-лидер октангидаги фарқларнинг ифодаланиши

Кейинги фарқлар **Боғлиқлик – бўйсунувчанлик** октантида кузатилиб, хар учала жамоада ҳам меёрланган (8 балгача) кўрсаткични намоён қилди. Шунга биноан спортчиларда – атрофдагиларнинг ёрдами ва ишончига, уларнинг эътиборига эҳтиёж кузатилаётганини кўришимиз мумкин. Демак айтиш мумкинки спортчилар жамоа таъсирида бир-бирларига боғлиқ эканлигини англаб бояпти. Бу хусусиятлар келажакда спортчилар шахсининг ва жамоанинг ривожланиб боришига йўл очиши мумкин. Буни қуйидаги расмда янада аниқроқ кўришингиз мумкин.



2-расм: Боғлиқлик – бўйсунувчанлик октантидаги фарқларнинг ифодаланиши

Кейинги фарқ **Масъулиятли – бағрикенглик** октантида кузатилиб, Зомин футбол жамоасида ўртача қиймат 9,76 балл, Сўғдиёна 10,7 балл, Насаф жамоасида эса 7,23 балли ташкил этди. Шунга биноан Зомин Сўғдиёна спортчиларида атрофдагиларга ёрдам беришга тайёрлик, масъулият ҳиссини ривожлантиришга интилиш мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Бу спортчиларнинг **“Идеал мен”** и жамоанинг таъсири остида шаклланиб бораётганлигидан, юқори ижтимоий установкаларга эга бўлишга интилаётганидан далолат беради. Буни қуйидаги расмда кўришингиз мумкин.



3-расм: Масъулиятли – бағрикенглик октантидаги фарқларнинг ифодаланиши

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, спортчиларда ўз-ўзини англаш тенденцияси ривожланиб бормоқда. Спортчиларнинг **“Идеал мен”** ида кейинги тўртда

октант бўйича юқори кўрсаткичларни намоён этди. Спортчиларнинг муайян жамода бўлиши, ушбу жамоа томонидан ўрнатилган ахлоқий меёрларни англаб бораётганлигини ва коллективизм ҳисси шаклланиб бораётганлигидан кўришимиз мумкин. Коллективизм ҳисси ўз навбатида конформизм шаклланишига йўл очиб, шахнинг жамоа таъсири спортчиларда онгли ва мақсадли муносабатларни шакллантиради, ахлоқий сифатлар шаклланишида таъсир кўрсатади. Ўзининг гуруҳга алоқадорлик ҳисси спортчини жамоа обросини тўкадиган, ёки жамоани унга қарши қилиб кўядиган ишларни қилмасликка, масулиятга ундаб туради.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Abdurasulov, R. (2021). ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРҚ ЯККАКУРАШИ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (2).
2. Абдурасулов, Р. А. Бахромов, О. Т., & Хасанов, А. Т. (2020). Влияние мотивации на формирование личностных качеств. In новые педагогические исследования (pp. 110-114).
3. Абдурасулов, Р., & Ташпулатова, Н. (2019). Философские и психологические особенности занятий восточными единоборствами в процессе формирования личности. Человеческий фактор: Социальный психолог, (1), 7-11.
6. Акрамова Ф.А. Ижтимоий психология. Тошкент-20075.
7. Газиева З.Е. Спортда гуруҳий жипслик шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (футбол командалари мисолида) психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертацияси. Тошкент., 2019
8. Ильин. Е.П. «Психология спорта»: Питер; Спб.; 2008. 352 с. 211-223 с. 9. Ибайдуллаева, У. Р. & Абдурасулов, Р. (2021). Ўсмирларнинг ижтимоий мослашувида ўзаро муносабатларнинг аҳамияти. Современное образование (Узбекистан), (10 (107)), 18-25
10. Коломейцев, Ю. А. Взаимоотношения в спортивной команде. М.: 1984г. 267 с.
11. Лапшин, О.Б. «Теория и методика подготовки юных футболистов» Москва-2014 г. 200 с.
12. Ханин Ю.Л. Психология общения в спорте, М. 1980 г. 208 с.
13. Кретти Б. Психология в современном спорте.- М.: Физкультура и спорт, 1978. 224с.
14. Собчик Л.Н. Диагностика межличностных отношений: модифицированный вариант интерперсональной диагностики Т.Лири. Методическое руководство / Л.Н. Собчик. – М.: «Консультационная фирма», 1990. – 47с.